

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ҚУЧҚОРОВА САНОБАР КАМАРОВНА

**ҚОРАМОЛ ҚОН-ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШ
ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

03.00.06 – Зоология

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАҢЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд -2024

УЎТ:619:636.2:576.89:591.111:616-084

Ветеринария фанлари бўйича фан доктори (DSc)
диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
по ветеринарной наукам

Content of dissertation abstract of doctor sciences (DSc)
on veterinary sciences

Кучкорова Санобар Қамаровна

Қорамол қон-паразитар касалликларини даволаш ва
профилактикасини такомиллаштириш3

Кучкарова Санобар Қамаровна

Совершенствование лечения и профилактики крово-паразитарных
болезней крупного рогатого скота..... 29

Kuchkorova Sanobar Kamarovna

Improving the treatment and prevention of blood-parasitic
diseases of cattle..... 55

Эълон қилingan ишлар руйхати

Список опубликованных работ
List of published works59


САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ҚУЧҚОРОВА САНОБАР ҚАМАРОВНА

**ҚОРАМОЛ ҚОН-ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШ
ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

03.00.06 – Зоология

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**



Самарқанд – 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/V12** рақам билан руйхатга олинган.

Диссертация Ветеринария илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ssuv.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Гафуров Ақтам Гафурович**
ветеринария фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Мавлонова Собиржон Ибодуллаевич**
ветеринария фанлари доктори, профессор

Тайлаков Толип Исакулович
ветеринария фанлари доктори, доцент

Жабборов Абдурашид Райимович
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019.V.12.01 рақамли илмий кенгашнинг 2024 йил «27» август соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77 уй. Тел./факс: (99866) 234-76-86; e-mail: ssuv@edu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 1114 рақами билан руйхатга олинган). Манзил: 140103, Самарқанд, Мирзо Улугбек кўчаси, 77 уй. Тел./факс: (99866) 234-07-86.

Диссертация автореферати 2024 йил «12» август хуни тарқатилди.
(2024 йил «12» август даги № 9 рақамли ресстр баённомаси).



Х.Б.Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор

С.Б.Эшбурисев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, в.ф.д., доцент

Қ.Н.Норбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, в.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Қорамоллар қон-паразитар касалликлари бугунги кунда дунёнинг барча қишлоқларида, Африка, Осиё, МДХнинг жанубий ва Россиянинг марказий ҳудудлари, Белоруссия, Болтиқбуйи мамлакатлари, Украинанинг ғарбий қисми ҳамда бошқа давлатларда кенг тарқалган бўлиб, ҳайвонлар, одам ва усимликлар организмда ушбу касалликларнинг сабабчиси бўлган 90 мингта яқин паразитлар аниқланган. «Уй ва ёввойи ҳайвонларнинг паразитар касалликлари (гельминтозлар, протозоозлар, арахноэнтотомозлар) оқибатида қишлоқ ҳўжалиги ва чорвачилик соҳаси катта иқтисодий зарар кўради»¹. «Иқтисодий зарар ўз вақтида даволанмаган ҳайвонларнинг 90-95 фоизгача нобуд бўлиши, касаллиниб соғайган 10-15 фоиз қорамолларда маҳсулдорлик ва репродуктив хусусиятларининг йўқолиши, келгусида фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолиши ҳамда ветеринария харажатларининг ортишидан келиб чиқади»².

Дунё миқёсида қон-паразитар касалликларнинг эпизоотологиясини таҳлил қилиш, касаллик тарқатувчи каналларнинг биологияси, тарқалиш ареаллари, касалликнинг мавсумий динамикаси, даволаш ва профилактика қилишда турли дори воситаларнинг самарадорлигини аниқлаш, паст вирулентли маҳаллий штаммлардан пироплазмидозларга қарши самарали вакцина олиш технологиясини ишлаб чиқиш каби устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Турли ҳудудларда қорамолларни қон-паразитар касалликларининг мавсумий динамикаси, касаллик кўзгатувчиларнинг морфологик, биологик хусусиятларини чуқур ўрганиш, касаллик кўзгатувчиларини ташувчи кана турларининг тарқалиш омиллари, кўзгатувчисининг патогенлик хусусиятлари, қон-паразитар касалликларига қарши воситаларнинг даволаш ва профилактик хусусиятларини ўрганиш, кўзгатувчиларни криоконсервация қилиш усулларини такомиллаштиришга доир тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Турли жуғрофий ҳудудларда қорамоллар қон-паразитар касалликларини замонавий усулларда ташхислаш, уларга қарши самарали даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ветеринария илм фани ва амалиётида муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда республикада чорвачиликнинг етакчи тармоғи бўлган қорамолчиликни ривожлантириш, чорва молларининг сермахсул зотларини кўпайтириш бўйича давлат дастурлари доирасида кенг қўламли ислохотлар ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси тўғрисида»ги фармонида «қишлоқ ҳўжалигини, айниқса чорвачиликни жадал ривожлантириш, чорва моллари соғлигини муҳофаза

¹https://www.researchgate.net/publication/298785732_Parazitarnye_bolezni_zivotnyh_iz_Spiska_MEB_Parasitic_OIE_listed_disease

² Дарбишова М.Г., Абдулмагомедов С.Ш., Магомеднапиев Г.М., Бақриева Р.М. Эпизоотическая ситуация по пироплазмидозам крупного рогатого скота и меры их профилактики и терапии в Республике Дагестан // Российский паразитологический журнал. 2014. № 3. – С. 24-29.

қилиш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ветеринария хизматини такомиллаштириш, чорвачиликнинг қорамолчилик соҳасини ривожлантириш, ички ва ташқи истеъмол бозорини гушт, сүт маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, юқори маҳсулдорликка эга, касаллик ва зарарқундаларга чидамли, маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларга мослашган ҳайвонот турларини кўпайтиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш, шунингдек, мазкур соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш»³ буйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада четдан келтирилган зотли қорамоллар орасида кенг тарқалган ва катта иқтисодий зарар келтирадиган касалликлар, жумладан қорамолларнинг қон-паразитар касалликларига қарши кураш, уларни замонавий усулларда даволаш ҳамда профилактика қилишнинг янги самарали услуб ва воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-120-сон «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш буйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурий тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2022 йил 31 мартдаги ПҚ-187-сон «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 июлдаги 368-сон «Чорвачилик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ ҳўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси буйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴. Қорамолларнинг қон-паразитар касалликларини даволаш ва профилактика қилишни такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Royal Veterinary College, University of Edinburgh (Англия), University of Michigan Animal Diversity Web, University of California Davis (АҚШ), Complutense University of Madrid (Испания), University of Zambia (Замбия), University of Zimbabwe (Зимбабве), University of Pretoria (Судан), Federal University of Agriculture, Abeokuta (Нигерия), University of Cape Town (Жанубий Африка),

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси тўғрисида»ги фармони

⁴ <https://tr-europe.woaah.org/wp-content/uploads/2021/07/ch-2-6-7.pdf>.

https://www.unipage.net/ru/320/university_of_michigan, <https://vetvo.ru/babezioz-krupnogo-rogatogo-skota.html>, <https://vetvo.ru/piroplazmoz-krupnogo-rogatogo-skota.html>, <https://vetvo.ru/tejeriozy-krupnogo-rogatogo-skota.html>

БутуирРоссия экспериментал ветеринария институти, К.И.Скрябин номидаги Москва давлат ветеринария медицинаси ва биотехнология академияси, И.Е.Бауман номидаги Қозон давлат ветеринария академияси (Россия), Қозогистон ветеринария илмий-тадқиқот институти (Қозогистон), Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети, Ветеринария илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Қорамоллар қон-паразитар касалликлари келтирадиган иқтисодий зарар ҳамда уларни даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш, самарадорлигини оширишга оид жаҳонда олиб борилган илмий-тадқиқотлар доирасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: қўп тарқалган ва чорва молларига зарар етказадиган паразитлар аниқланган (University of California Davis), организмда учрайдиган пироплазмидозлар қўзғатувчиларига замонавий ташхис қўйиш усуллари (Молекуляр тест, Серологик тест) ва даволаш (University of Pretoria, Federal University of Agriculture, University of Cape Town, Қозогистон ветеринария илмий-тадқиқот институти); қорамоллар организмда қузатиладиган морфологик, патологоанатомик, қоннинг биохимёвий ҳамда иммунобиологик жараёнларнинг кечили таҳлил қилинган (Complutense University of Madrid, Москва давлат ветеринария медицинаси ва биотехнология академияси, Санкт Петербург давлат Ветеринария медицинаси институти), қорамоллар пироплазмидозларига, хусусан тейлериозга қарши суюқ культурал вакцина яратилган ва амалиётга жорий қилинган, қорамолларнинг тейлериоз, пироплазмоз, бабезиоз касалликларини даволаш ва профилактика қилиш усуллари ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилганлиги (Ветеринария илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон)га қарамасдан қорамоллар қон-паразитар касалликларини даволаш ва олдини олиш тўлиқ илмий ечимини топмаганлиги туғрисида маълумотлар мавжуд.

Бугунги кунда дунёда қорамоллар қон-паразитар касалликларининг тарқалиши, келтирадиган иқтисодий зарари ва патогенезини чуқур ўрганиш, ҳудуднинг эпизоотик занжири ва уни бузувчи омиллар, касаллик қўзғатувчи паразитларнинг биологик ва культурал хусусиятларини аниқлаш, ушбу патологияни ташхислаш, даволаш ва олдини олишда юқори самарали препаратларни яратиш ва қўллаш ҳамда маҳаллий штаммлар асосида вакциналар ишлаб чиқишга қаратилган устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикаимизнинг турли жуғрофий иқлим шароитларидаги қорамоллар пироплазмоз, бабезиоз ва тейлериозининг эпизоотологиясида иқсод каналарининг роли, қўзғатувчиларнинг биологик хусусиятларини ўрганиш, касалликларни даволаш ва профилактикасида кимёвий ва биологик препаратларни, жумладан пироплазмин, гемоспоридин, бигумаль, сульфантрол, беренил, азидин, диамидин, полиамидинни синондан ўтказиш ҳамда тейлериозга қарши вакцина самарадорлигини аниқлаш буйича К.А.Арифджанов, И.Х.Расулов, Т.Х.Рахимов, А.Ф.Фафуров, Ш.А.Абдурасулов, Р.Б.Давлатов, А.С.Даминов,

Т.И.Тайлоков, У.И.Расулов, Б.А.Каримов, Н.Ж.Турабоев, В.Дускулов ва бошқа олимлар томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Шунингдек, МДХ ва хорижий давлатларда қорамоллар қон-паразитар касалликларини ўрганиш ва уларга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича У.П.Джунковский, А.В.Богородицкий, Г.А.Оболдуев, В.Т.Заблоцкий, А.А.Марков, П.А.Лавретьев, П.Н.Ли, Т.Т.Dolan, М.Garbi, Е.Pipano, Т.Sivakumar ва бошқа олимлар томонидан муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган тадқиқотлар олиб борилган.

Илмий манбалар таҳлиliga кўра Республикаимизнинг қорамолчилик хўжаликлари шароитда четдан келтирилган зотли ҳайвонларнинг қон-паразитар касалликларини даволаш ва олдини олишда маҳаллий штаммларга самарали таъсир кўрсатувчи дори воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишга қаратилган илмий-тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертацион бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг ҚХФ-5-036 «Қорамоллар тейлериозига қарши вакцина профилактикасининг назарий асослари» (2012-2016 йй.), ҚХА-9-016 «Қорамолларнинг пироплазмидоз касалликларини даволаш, олдини олиш усулларини такомиллаштириш ҳамда амалиётга татбиқ этиш» (2015-2017 йй.), А-ВК-2021-486 «Қорамоллар қон-паразитар тейлериоз касаллигига қарши вакцина яратиш» (2021-2023 йй.) мавзуларидаги илмий-амалий ҳамда фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қорамоллар қон-паразитар касалликларини даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Республиканинг турли иқлимга эга бўлган жуғрофий ҳудудларида қорамоллар қон-паразитар касалликлари тарқалишининг мавсумий динамикасини аниқлаш, касаллик қўзғатувчиларининг штаммларини ажратиш ва уларнинг морфологияси, биологик хусусиятларини ўрганиш;

тейлериозга қарши профилактик восита ишлаб чиқиш учун авирулент *Th.annulata* штаммларини ажратиш;

тейлериозга қарши профилактик восита олиш технологиясини ишлаб чиқиш, ажратилган авирулент штаммлар культураларини реактогенлик ва иммуногенлик хусусиятларини аниқлаш;

қон-паразитар касалликларини даволаш ва профилактика воситаларининг самарадорлигини экспериментал тажрибаларда ва спонтан касалланган қорамолларда аниқлаш;

қорамоллар қон-паразитар касалликларини маҳаллий препаратларни қўллашга асосланган самарали даволаш ва олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида табиий биотоплар, лаборатория ва фермер хўжаликларидаги қорамоллар, касаллик қўзғатувчиларини ташувчи каналар, касаллик қўзғатувчи паразитлар, даволаш ва олдини олиш воситаларини олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида қон суртмалари, паразитологик текширув материалларда қон-паразитар касалликлари қўзғатувчиларининг хусусиятлари, қорамолларнинг клиник белгилари, қоннинг шаклий элементлари, қон суртмаларидаги паразитар реакция, антипротозой воситаларнинг терапевтик ва профилактик самарадорлиги кўрсаткичлари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда эпизоотологик, клиник, паразитологик, гематологик, микроскопик, патологоанатомик, биокимёвий, вариацион ҳамда статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қорамолларнинг тейлериозга қарши профилактик восита ишлаб чиқиш учун яроқли *Th.annulata* штаммлари Сирдарё вилояти ҳудудларидан ажратиб олинган ва уларнинг реактогенлик ҳамда иммуногенлик хусусиятлари аниқланган;

шизогонал босқичдаги *Th.annulata* штаммларини лаборатория шароитида сунъий озуқа муҳитларида ўстириш йўли билан тейлериозга қарши профилактик восита олишга [№ IAP 06030 Тошкент 22.10.2019 й.] эришилган;

тейлериозга қарши ажратиб олинган культурал воситанинг реактогенлиги йуклиги ва иммуногенлик хусусиятининг юқори эканлиги илмий асосланган;

қорамолларда бабезиоз қўзғатувчиси (*Babesia colchica*) ни криоконсервациялаш усули [№FAP 02355 Тошкент 31.10.2023й.] ишлаб чиқилган;

қорамоллар қон паразитар касалликларини даволашда Бутажект (5 мл/100 кг), Трипонил (7,5 мл/100 кг), Пиро-стоп (2,5 мл/100 кг) препаратларининг қўлланилиши юқори самарадор эканлиги аниқланган;

қорамоллар қон-паразитар касалликларида Полиамидин-П 5 мл/100 кг тери остига, Габивит-Se препаратидан 20 мл мускул орасига 35 кунда бир марта биргаликда қўллашга асосланган такомиллашган профилактика усули ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тейлериозга қарши культурал восита тайёрлаш учун вирулентлиги паст штамм ажратилиб, унинг культурал хусусиятлари аниқланган ва культурал воситанинг дастлабки материали олинган;

тейлериозга қарши культурал воситанинг реактогенлик ва иммуногенлик хусусиятлари аниқланган;

хорижда ишлаб чиқарилган Бутажект, Трипонил, Пиро-стоп препаратларининг қорамоллар қон-паразитар касалликларини даволашдаги самарадорлиги аниқланган;

қорамоллар пироплазмозини даволашда Полиамидин-П препаратини 5мл/100кг миқдорда қўллашнинг самарадорлиги юқорилиги тажрибаларда аниқланган ва амалиётга жорий қилинган;

«Қорамолларнинг қон-паразитар касалликларига қарши курашиш тўғрисида қўлланма» тасдиқланган ва ветеринария амалиётига жорий қилинган;

қорамоллар пироплазмозини профилактика қилиш усули (№ IAP 04607 Тошкент 07.11.2012) ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

қорамоллар пироплазмозини олдини олишда Полиамидин-П (5 мл/100 кг) ва Габивит-Se (20 мл) препаратларини биргаликда қўллашнинг самарадорлиги юқорилиги аниқланган ва бу усул амалиётга тадбиқ этилиб қорамолчилик хўжалиқларини пироплазмоздан соғломлаштиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда умумқабул қилинган стандарт услубларда олиб борилганлиги, паразитологик, морфологик, клиник, гематологик, патологоанатомик ва иммунологик усуллардан фойдаланилганлиги, олинган рақамли маълумотларга статистик ишлов берилиб, илмий таҳлил қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, даволаш-профилактик чора-тадбирларини олинган патентлар, далолатнома ва маълумотномаларга асосланганлиги ҳамда натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қорамолларнинг пироплазмоз, бабезиоз ва тейлериозини тарқатувчи каналарнинг биологияси, тарқалиши ва фаунаси ҳамда касалликларнинг эпизоотологик ҳолатининг таҳлил қилинганлиги, қорамоллар тейлериозига қарши профилактик восита ишлаб чиқиш учун яроқли *Th. annulata* штаммлари ажратилиб, унинг реактогенлик, иммуногенлик хусусиятларининг аниқланганлиги, бабезиоз кўзғатувчиси *Babesia colchicani* криоконсервациялаш усулининг ишлаб чиқилганлиги, ушбу патологияни даволаш ва олдини олишда маҳаллий Полиамидин-П (5 мл/100 кг) ва Габивит-Se (20 мл) препаратларини биргаликда қўллан усуллари ишлаб чиқилиб илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қорамоллар орасида кенг тарқалган пироплазмидоз касалликларини даволашда Бутажект, Трипонил, Пиро-стоп препаратларининг, олдини олишда Полиамидин-П (5 мл/100 кг) ва Габивит-Se (20 мл) препаратларини биргаликда қўллаш самарадорлигининг юқори эканлигини тажрибаларда исботланганлиги, “Қорамолларнинг кон-паразитар касалликларига қарши курашиш чора-тадбирлари бўйича тавсиялар” ишлаб чиқилиб, қорамолчилик хўжалиқларига жорий қилиш натижасида пироплазмидозлардан соғломлаштирилганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорамол кон-паразитар касалликларини даволаш ва профилактикаси тақомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

«Қорамол тейлериозини олдини олиш учун вакцина ва ундан фойдаланган ҳолда қорамол тейлериозини олдини олиш усули» ишланмаси учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 06030 Тошкент 22.10.2019й.) (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2024 йил 4 январдаги №02/23-05-сон маълумотномаси). Яратилган технология асосида шизогонал босқичдаги

Th.annulata штаммларини лаборатория шаронтида сунъий озук муҳитларида ўстириш технологиясини ишлаб чиқишга эришилган;

корамолларда бабезиоз қўзғатувчиси (*Babesia colchica*) ни криоконсервациялаш усули (№FAP 02355 Тошкент 31.10.2023й.) ишлаб чиқилган ва протозоология лабораториясига жорий этилган (№IAP 06030 Тошкент 22.10.2019й.) (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2024 йил 4 январдаги №02/23-05-сон маълумотномаси). Натижада *Babesia colchica* штаммларини узоқ муддатга сақлаш ва улардан лаборатория тажрибаларида фойдаланиш имконияти яратилган;

корамоллар кон паразитар касалликларини олдини олишда Полиамидин-II препаратини тери остига 5 мл/100 кг, Габивит-Sc препаратини бир бошга бир марта 20 мл мускул орасига биргаликда қўллаш усули ишлаб чиқилган ва ветеринария амалиётига жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2024 йил 4 январдаги №02/23-05-сон маълумотномаси). Натижада гемопознинг кучайиши, организм резистентлигининг ошиши ҳисобига препаратнинг корамоллар пироплазмозини олдини олишдаги таъсир муддатини 35 кунгача узайтиришга эришилган ва иқтисодий самарадорлик сарфланган ҳар 1 сўм ҳисобига 117,66 сўмни ташкил этган;

Бутажект препаратини корамоллар тейлерозида 5 мл/100 кг миқдорда 48 соат интервал билан 2 мартаба қўллашга асосланган даволаш усули Навоий вилоятининг «Русам-Навоий» хусусий қорхонаси, «Merinos-beryozka» ва «Qulaylik» фермер хўжаликларида жорий қилинган. (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2024 йил 4 январдаги №02/23--05-сон маълумотномаси). Натижада бизнинг ҳудудларимиздаги *Th.annulata* штаммлари билан касалланган корамолларни даволашда препаратнинг муқобил дозаларини аниқлашга эришилган;

корамоллар пироплазмозини даволашда Трипонил препаратини 7,5 мл/100 кг миқдорда мускул орасига қўллаш усули Самарқанд вилоят Оқдарё тумани «Kelajak», «Loyish nurli kelajak» чорва фермер хўжалиги ва Иштихон тумани «Suyunov Jura bobo», «Qahramon» чорва фермер хўжаликларида жорий этилган. (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2024 йил 4 январдаги №02/23-05-сон маълумотномаси). Натижада Трипонил препаратини пироплазмоз билан спонтан касалланган корамолларни даволашда қўллаб, юқори (100%) самарадорликка эришилган;

“Корамолларнинг кон-паразитар касалликларига қарши курашиш чоратадбирлари буйича тавсиялар” тасдиқланган ва Навоий, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё вилоятларининг қорамолчилик фермер хўжаликларида жорий қилинган. (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2024 йил 4 январдаги №02/23-05-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларни ветеринария амалиётида қўллаш орқали корамоллар кон-паразитар касалликларини даволаш ва профилактика қилиш буйича ижобий натижаларга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жами 10 та, жумладан 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамада қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп қилинган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та, шундан, 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган. Олинган натижалар бўйича 3 та ихтиро патентлаштирилган ва 2 та йуриқнома, 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Қорамоллар қон-паразитар касалликларини даволаш ва олдини олиш бўйича хорижий ва маҳаллий илмий манбалар шарҳи**» деб номланган биринчи боби тўрт қисмдан иборат бўлиб, унда қорамоллар қон-паразитар касалликлари эпизоотологияси, мавсумий динамикаси ва касаллик тарқатувчи каналар фаунаси, қон-паразитар касалликлар қўзғатувчилари, уларнинг биологик ва морфологик хусусиятлари, қон-паразитар касалликларининг клиникаси ва диагнози, қорамоллар қон-паразитар касалликларини даволаш ва профилактикасига оид хорижий ва Республикамиз илмий-тадқиқотчиларининг адабиёт манбалари таҳлил қилинган ҳамда бу борада илмий изланишларни олиб бориш зарурлиги келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг объекти ва услублари**» деб номланган иккинчи боби уч банддан иборат бўлиб, унда тадқиқот жойи, объекти ва услублари, Полнамидин-П препаратини ишлаб чиқиш технологияси, тадқиқотларда қўлланилган дори воситаларининг тавсифи батафсил баён қилинган.

Диссертациянинг «**Қорамоллар қон-паразитар касалликларининг мавсумий динамикаси, тарқатувчи каналар фаунаси ва қўзғатувчиларнинг морфологик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобининг «Республикамизнинг юғрофий-иклим шароитлари турлича бўлган ҳудудларида қорамоллар қон-паразитар касалликларининг мавсумий динамикаси» деб номланган 3.1 бандида республикамизнинг турли юғрофий-


иклимли ҳудудларида қорамоллар қон-паразитар касалликларининг мавсумий динамикаси, экологик тизимларида қон-паразитар касалликларини қўзғатувчиларини ташувчи *Boophilus calcaratus*, *Hyalomma anatolicum*, *H. detritum* каналарининг қорамоллар қон-паразитар касалликларининг мавсумий динамикасини намоён бўлишдаги ролини урганиш борасидаги тадқиқотларнинг натижалари баён қилинган.

Қорамолларнинг пироплазмоз ва бабезиоз билан касалланишининг икки (баҳорги ва ёзги) энг юқори даражаси намоён бўлиши аниқланган (1-расм).



1-расм. Ҳудудларда пироплазмоз, бабезиознинг мавсумий динамикаси

Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятлари ҳудудларида қорамоллар тейлериозининг мавсумий динамикасини урганиш борасида олиб борилган тадқиқотларда тейлериоз билан энг юқори даражада касалланиш кўрсаткичи (баҳорги) апрель ойида, касалланишнинг иккинчи юқори даражаси (ёзги) июль ойида намоён бўлди. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлар ҳудудларида тейлериоз билан касалланишнинг илк юқори даражаси май ойига, иккинчи энг юқори касалланиш даражаси июль ва август ойларига тўғри келиши аниқланди (2-расм).



2-расм. Ҳудудларда тейлериознинг мавсумий динамикаси

Ушбу бобнинг «Касаллик тарқатувчи каналар фаунаси» дсб номланган 3.2 бандида, касаллик тарқатувчи каналар фаунасини вилоятлар кесимида урганиш

натижалари баён қилинган. Тадқиқотлар олиб борилган Сирдарё вилоят ҳудудларидан терилган каналарнинг 30% гача *B.calcaratus*, 70% гача *H.anatolicum*, Жиззах вилоят ҳудудларида 36% гача *B.calcaratus*, 64% гача *H.anatolicum*, Самарқанд вилоят ҳудудларида 25% гача *B.calcaratus*, 75% гача *H.anatolicum*, Навоий вилоят ҳудудларидан терилган каналарнинг 28% ни *B.calcaratus*, 72% ни *H.anatolicum* каналари ташкил қилиши ва шу билан бир вақтда *H.detrutum* каналари тарқалмаганлиги аниқланди.

Сурхондарё вилояти Ангор ва Термиз тумани ҳўжаликларида 35-40% *B.calcaratus* каналари, 60-65 % тейлериозни тарқатувчи *H.anatolicum* каналари, Шўрчи ва Қумқўрғон туманлари ҳўжаликларида 90 % *H.anatolicum*, 10% *H.detrutum* каналари, Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз тумани ҳудудларида 96% *H.anatolicum*, 4% *H.detrutum* каналари тарқалганлиги аниқланди. Тадқиқотлар натижасида Сурхондарё вилояти Ангор ва Термиз туманларида *B.calcaratus* каналари тарқалганлиги сабабли пироплазмоз, *H.anatolicum* каналари тарқалганлигидан тейлериоз намоён бўлганлиги, Сурхондарё вилояти Шўрчи, Қумқўрғон туманлари ва Қашқадарё вилояти Шахрисабз туманларида *B.calcaratus* каналари тарқалмаганлиги учун, бу ҳудудларда пироплазмоз қайд этилмаганлиги, *H.anatolicum* ва *H.detrutum* каналарининг бу ҳудудларда кенг тарқалганлиги сабабли, тейлериоз намоён бўлиши аниқланди.

Диссертациянинг «Қорамоллар қон-паразитар касалликларини тарқатувчи каналарнинг биологик хусусиятлари» номли 3.3 бандида, Сирдарё, Ш.Рашидов, Пайриқ ва Қармана туманларида қорамоллар қон-паразитар касалликларини тарқатувчи қаңаларнинг биологик хусусиятларини ўрганиш борасидаги тажрибалар натижалари келтирилган. Каналарнинг биологик хусусиятларини лаборатория шароитида ўрганиш мақсадида пироплазмоз билан спонган касалланган қорамоллардан *B.calcaratus* каналарининг урғочи имаго шакллари, тейлериоз билан касалланган қорамоллардан эса *H.anatolicum* каналарининг нимфа шакллари териб олиниб, лабораторияда термостатда 26-27 °С ҳарорат, 70-80 % намликда генерация олинди.

Натижада ҳудудлардан ажратилган касаллик тарқатувчи *B.calcaratus* каналарига оптимал шароит яратилгач, 10-11- кунлари тухум қўйиши, шундан 29-31- кунлари тухумдан личинкалар чиқиши, касалликка мойил қорамолларга личинкалар ўтказилгандан кейин 10-11-кунлари пироплазмозни клиник белгилари намоён бўлиши аниқланди.

H.anatolicum каналарининг биологик хусусиятларини ўрганиш тажрибалари ҳар бир гуруҳда 3 бош қорамол бўлган 4 гуруҳда олиб борилди. Қорамолларнинг 1-гуруҳига Сирдарё, 2-гуруҳига Жиззах, 3-гуруҳ қорамолларига Навоий, 4-гуруҳга эса Самарқанд вилоят ҳудудларидан ажратилган каналарнинг нимфа босқичидан қорамоллар таъсисига 40 нусхадан ўтказиб зарарлантирилди.

Ҳар хил жуғрофий-иқлимли ҳудудлардан ажратилган касаллик тарқатувчи *H.anatolicum* каналарини ўсиб ривожланиши учун оптимал шароит яратилгач 25-29 кунлари тухум қўйиши, 35-40 кунлари тухумдан личинка очиб чиқиб, 7-8 кунлари личинкалар нимфага айланиши, нимфалар касалликка мойил

қорамолга ўтказилгач 19-21 кунлари тейлерриозни клиник белгилари ва қонда паразитемия намоён бўлиши аниқланди.

Диссертациянинг «Ҳар хил жуғрофий иқлимда худудлардан ажратилган тейлерриоз қўзғатувчиси (*Th.annulata*) нинг морфологик хусусиятлари» деб номланган 3.4 бандида, Сурхондарё, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятлар худудларидан ажратиб олинган касаллик қўзғатувчиси *Th.annulata* нинг морфологик хусусиятларини ўрганиш борасидаги тадқиқот натижалари баён этилган.

Сирдарё вилоятидан ажратилган штаммларда қўзғатувчининг юмалок шакли ўртача 24,7%, овал шакли 43,7%, вергулсимон шакли 23%, нуқтасимон шакли 8.7 фоизни ташкил қилиб, қўзғатувчининг хочсимон шакллари учрамади. Қашқадарё вилоятидан ажратилган штаммларда тейлерриаларнинг 15,3% юмалок, 28,7% овал, 41,3 % вергулсимон, 14% нуқтасимон ва 1 % хочсимон шакллари аниқланди. Сурхондарё вилояти худудларидан ажратилган штаммда қўзғатувчининг юмалок шакли ўртача 18%, овал шакли 31%, вергулсимон шакли 42,3%, нуқтасимон шакли 8% ва хочсимон шакли 1% эканлиги аниқланди.


Диссертациянинг «Ҳар хил жуғрофий иқлим худудларидан ажратилган пироплазмоз қўзғатувчиси (*P.bigeminum*) нинг морфологик хусусиятлари» деб номланган 3.5 бандида, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятлари ҳўжаликларидаги пироплазмоз билан спонтан касалланган қорамоллардан ажратиб олинган *Piroplasma bigeminum* штаммларининг морфологик хусусиятларини ўрганиш тажрибалар натижаси баён қилинган.

Тажрибалар учун 12 боғ қорамол олиниб, 3 бошдан тўрт гуруҳга ажратилди. Сирдарё вилояти худудларидан ажратилган штамм билан биринчи гуруҳдаги, Жиззах вилояти худуди штаммлари билан иккинчи гуруҳдаги қорамоллар, Самарқанд вилояти худудидан ажратилган штамм билан учинчи гуруҳ ва Навоий вилоятдан ажратилган штамм билан тўртинчи гуруҳ қорамоллари териси остига 10 мл юбориб юктирилди. Тажрибалар натижасида Самарқанд, Жиззах, Навоий вилоятлари худудларидан ажратилган штаммлар юктирилган қорамолларда пироплазмознинг яширин (инкубацион) даври 6 кунни ва Сирдарё вилояти худудларидан ажратилган штаммлар юктирилганда касалликнинг яширин даври 7 кунни ташкил қилиши аниқланди.

Диссертациянинг «Қорамолларда қон-паразитар касалликларини даволаш ва профилактик воситалари» деб номланган тўртинчи боби тўққиз банддан иборат бўлиб, унинг «Полиамидин-П препаратининг гемопозз ва қоннинг шаклли элементларига таъсири» деб номланган 4.1 бандида, Полиамидин-П прсепарати қўлланилганда қорамол организми гемопоззига ва қонининг шаклли элементларига таъсирини ўрганиш тажрибалари баён этилган. Тажрибалар учун 10-12 ойлик қозоки окбош зотли 6 бош қорамол олиниб, улар 3 бошдан иккита гуруҳга ажратилди. Биринчи тажриба гуруҳи учун ажратилган қорамолларга 5 мл/100 кг миқдорда Полиамидин-П тери остига қўлланилди, 2-гуруҳидаги қорамолларга назорат сифатида препарат қўлланилмади. Препаратнинг қони морфологик курсаткичларига таъсири ўрганилганда, препарат қўллашдан олдин гемоглобин ўртача – 7,2-7,8 г%,

эритроцитлар миқдори – 6,4-6,8 млн/мкл ва лейкоцитлар сони – 7,4-7,8 минг/мкл ни ташкил қилган бўлса, препарат қўлланилгандан кейин 15 кун давомида ҳам ушбу кўрсаткичлар дастлабки меъсридан узгармаганлиги, лейкоцитлар формуласининг кўрсаткичларига, организмнинг гемопозитик хусусиятларига, гемоглобин миқдорига салбий таъсир қилмаслиги аниқланди.

Шу бобнинг 4.2 банди «Тейлериозни даволашда Бутажект препаратининг самарадорлигини экспериментал тадқиқотларда аниқлаш» деб номланиб, тейлериозни даволашда Бутажект препаратини қўллашнинг самарадорлиги баён этилган. Тейлериозни даволашда Бутажект препаратининг самарадорлигини экспериментал тажрибаларда аниқлаш учун иккита тажриба гуруҳига 4 бошдан ва назорат гуруҳига ҳам 4 бош қорамол ажратиб олинди. Ажратиб олинган қорамолларнинг териси остига 10 мл дан тейлериоз билан спонтан касалланган қорамолдан олинган кон юбориб зарарлантирилди. Юқтиришдан кейинги 18-кун ичра уччала гуруҳ қорамолларида тана ҳароратининг 39,4-40,0 °С гача кўтарилиши, умумий ҳолсизланиш, иштаҳанинг пасайиши, лимфа тугунларининг 2 баробар катталаниши, кавш қайтаришининг сусайиши, шишиқ пардаларда анемия кузатилиб, 21-кун ичра тана ҳароратининг 41,5-41,8 °С гача кўтарилиб, нитоксикация ҳолати намоён бўлиши, кучли ҳолсизлик, лимфатик тугунларининг 2-3 баробар катталаниши, иштаҳанинг йўқолиши, кавш қайтаришининг сусайиши каби белгилар яққол намоён бўлди (3-расм).



3-расм. Тейлериозни даволашда Бутажект препаратининг самарадорлиги

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги барча қорамолларда тейлериознинг клиник белгилари тўлиқ намоён бўлгач, 1-гуруҳдаги қорамолларга 5мл/100 кг 1 марта, 2-гуруҳ қорамолларига 5мл/100 кг дозада 48 соат оралик билан 2 марта Бутажект препарати мускули орасига қўлланилди. Назорат гуруҳидаги қорамолларга препарат қўлланилмади.

Тейлериозни даволашда 5 мл/100 кг дозада қўлланилган Бутажект препаратининг самарасининг камлиги, препаратни икки мартаба 48 соат оралик билан ушбу дозада қўллашнинг самарадорлиги юқорилиги аниқланди.

«Тейлериоз билан спонтан касалланган қорамолларни даволашда Бутажект препаратининг самарадорлиги» деб номланган 4.3 бандда тейлериоз билан спонтан касалланган қорамолларни Бутажект препаратини билан даволаш тажрибаларининг натижалар қайд этилган. Бу борадаги тажрибалар Навоий вилояти «Рустам-Навоий» хусусий корхонаси, «Merinos-Beryozka» фермер хўжалиги ва «Qulaylik» фермер хўжалигидаги спонтан касалланган қорамолларда ўтказилди (1-жадвал). Тейлериознинг клиник белгилари аниқланган қорамоллар асосий подадан ажратилиб салқин жойга олиниб, рационига енгил хазм буладиган озукалар киритилди. Периферик қон томирларидан олинган суртмаларда касалликни оғир ўтказётган қорамолларда эритроцитларнинг 16-22 фонзгача тейлериялар билан зарарланганлиги аниқланди. Касалланган қорамолларнинг ҳар 20 кг тирик вазни ҳисобига 1 мл (5 мл/100 кг) Бутажект препарати қўлланиб даволанди.


Препарат қўлланилгандан кейинги кунда тейлериоз енгил кечаётган қорамолларда умумий аҳволнинг қисман яхшиланиши, тана ҳароратининг пасайиши ($38,7 \pm 0,06^{\circ}\text{C}$), периферик қон томирларидан олинган қон суртмаларида паразитар реакциянинг $0,04 \pm 0,02$ камайганлиги кузатилди. тейлериоз ўткир кечаётган қорамолларда паразитар реакциянинг 2 баробар камайганлигига қарамадан, умумий аҳволнинг яхшиланиши кузатилмади.

1-жадвал

Бутажект препаратининг тейлериоз билан спонтан касалланган қорамолларни даволашда самарадорлиги

Хўжалик	Қорамол бош сон	Препарат қўллаш усули ва дозаси	Тана ҳарорати, °C		Паразитар реакция, %	
			даволаш-гача	даволаш-дан кейин	даволаш-гача	даволаш-дан кейин
“Рустам-Навоий” ф/х	2	5 мл/100 кг 2 марта	$41,6 \pm 0,4$	$39,4 \pm 0,07$	$16,3 \pm 2,1$	$0,45 \pm 0,02$
	5	5 мл/100 кг 1 марта	$40,6 \pm 0,07$	$39,0 \pm 0,14$	$11,0 \pm 0,73$	$0,25 \pm 0,04$
“Merinos-Beryozka” ф/х	7	5 мл/100 кг 1 марта	$40,3 \pm 0,04$	$38,7 \pm 0,06$	$9,8 \pm 0,07$	$0,05 \pm 0,02$
	4	5 мл/100 кг 2 марта	$41,9 \pm 0,08$	$38,4 \pm 0,02$	$20,3 \pm 0,75$	$9,5 \pm 1,09$
“Qulaylik” ф/х	5	5 мл/100 кг 1 марта	$40,2 \pm 0,06$	$38,6 \pm 0,06$	$8,7 \pm 0,05$	$0,04 \pm 0,02$
	1	5 мл/100 кг 2 марта	$41,6 \pm 0,08$	$38,6 \pm 0,05$	$12,0 \pm 0,78$	$1,0 \pm 0,02$

Ўтказилган тажрибаларда қорамоллар тейлериозини даволашда 5 мл/100 кг дозада 48 соат интервал билан 2 мартаба қўлланилган Бутажект препаратининг даволаш самарадорлиги юқори ($87,5\%$) булиши аниқланди.



Шу бобнинг «Пироплазмозни даволашда Трипонил препаратининг самарадорлиги» деб номланган 4.4 бандида қорамоллар пироплазмозини даволашда Трипонил препаратининг самарадорлигини урганиш бўйича экспериментал ва ишлаб чиқариш шароитида олиб борилган тажрибалар натижалари ёритилган.

Трипонил препаратининг пироплазмозни даволашдаги самарадорлигини экспериментал шароитда урганиш тажрибалари 9 бош 3 бошдан 3 гуруҳга ажратилган қорамолларда олиб борилди. Қорамоллар пироплазмоз билан касалланган қорамолдан олинган қон билан териси остига 10 мл дан юбориб юктирилди. Юктиришнинг 8-9- кунлари қорамолларда тана ҳарорати 40,8-41 °С га ошиб, гемоглобинурия ва қон суртмаларида 3-4 фоизгача пироплазмалар билан зарарланиш кузатилди. Шундан сўнг биринчи гуруҳ қорамолларига 5мл/100 кг, иккинчи гуруҳга 7,5 мл/100 кг миқдоридаги Трипонил препарати мускули орасига юбориб даволанди. Учинчи назорат гуруҳидаги қорамолларга препарат қўлланилмади.

Трипонил препарати қўлланилиб 24 соат ўтгач, 1- гуруҳ қорамолларидан олинган қон суртмаларда эритроцитларда 1,93±0,25 фоизгача паразитар реакция аниқланди. Трипонил препарати 7,5 мл/100 кг дозада қўлланилган 2-гуруҳ қорамолларидан олинган қон суртмаларида паразетимия кузатилмади ва тана ҳароратининг метёрлашганлиги аниқланди. 3-назорат гуруҳидаги қорамолларда тана ҳароратининг ошиши, пироплазмознинг клиник белгилари ривожланиб бориши, гемоглобинурия ҳолати кузатилди.

Тажрибалар натижасида пироплазмоздан даволашда Трипонил препаратининг 5 мл/100 кг дозада қўлланилганда самарадорлигининг пастлиги, 7,5 мл/100 кг дозада мускул орасига қўлланилган Трипонил препаратининг самарадорлигини юқори бўлиши экспериментал тажрибаларда аниқланди.

Пироплазмозни даволашда Трипонил препаратининг самарадорлигини спонтан касалланган қорамолларда аниқлаш бўйича тадқиқотлар Самарқанд вилояти Оқдарё тумани «Kelajak», «Loyish nurli kelajak», Иштихон тумани «Suyunov Jura bobo» ва «Qahramon» чорва фермер хўжалиқларида олиб борилди.

